2010 йил 15 февраль, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 30 (11.600) | Баҳоси эркин нархда

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

**Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10-12 февраль кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикасига давлат ташрифининг учинчи куни "Korean Air" компанияси раиси Чо Янг Хони қабул қилди.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасини барпо этиш ва "Навоий" қитъалараро интермодал логистика марказини ривожлантиришда "Korean Air" компанияси фаол иштирок этмоқда. Хусусан, 2009 йилда мазкур компания "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясига лизинг асосида иккита юк самолёти тақдим этди. Ҳозир бу самолётлар логистика марказига хизмат қилмоқда.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида айни пайтда умумий қиймати 187 миллион АҚШ долларига тенг 19 лойиҳа амалга оширилмоқда. Бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ 16 лойиҳа 2010 йилнинг иккинчи ярмида якунига етади – кимё, нефть кимёси, электротехника, машинасозлик, фармацевтика ва бошқа соҳаларда фаолият юритадиган корхоналар ишга тушади.

Бу ерда махсус техника учун гараж, ўқув маркази, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш станцияси, ёнғинга қарши депо, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари омбори қурилди, темир йўл тортилди. Айни пайтда юк терминали барпо этилмоқда. Буларнинг барчаси марказни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Келгусида у ерда йилига 300 минг тонна юк қайта ишланади.

Ҳозир Навоий шаҳри аэропортидан Милан, Брюссель, Бангкок, Деҳли, Мумбайга мунтазам самолёт қатнови йўлга қўйилган. Франкфурт, Дубай, Истанбул, Тель-Авивга рейсларни ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Ишлаб чиқариш билан бир қаторда, ижтимоий инфратузилма ҳам ривожланмоқда. Хусусан, "Korean Air" компанияси билан ҳамкорликда 9000 кишига мўлжалланган турар жой мажмуи барпо этилмоқда. Мажмуа соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ва дам олиш масканларига эга бўлади.

Суҳбат чоғида икки мамлакат авиакомпаниялари ҳамкорлигини, жумладан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва логистика марказини ривожлантириш борасидаги алоқаларга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари Корея Республикаси стратегия ва молия вазири Ю Жин Хённи ҳам қабул қилди.

Кореяга ташриф асносида имзоланган ҳужжатларнинг аксарияти йирик молиявий операцияларни амалга оширишни, лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда молиявий маслаҳатлашувларни тақозо қилади. Икки мамлакат вазирлик ва идораларининг, фирма ва компанияларининг ҳамкорлиги муваффақият келтиришини таъминлаш учун молия маҳкамаларининг алоқаларини мустаҳкамлаш, фаолиятини мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Устюрт газ-кимё мажмуи бўйича консорциумни шакллантиришда Жанубий Корея банк-молия муассасалари муҳим ўрин тутганини таъкидлаш жоиз.

Учрашувда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида банк-молия соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф натижаларининг аҳамияти ҳақида унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар, хусусан, Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуини қуриш ва конни ўзлаштириш лойиҳасини амалга ошириш бўйича сармоявий битимдан келиб чиқиб ҳам етарли хулоса чиқариш мумкин. Унинг молиявий қиймати 3 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Масаланинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатларидан ташқари, маънавий томонига ҳам эътибор қаратиш жоиз. Аввало, Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: "Корея Ўзбекистонга ҳар томонлама яқиндир. Корейслар ўзбек халқига, Ўзбекистонга катта ҳурмат билан қарайди. Корея Миллий музейида Ўзбекистон миллий маданияти кўргазмаси ташкил этилганда, кореяликлар унга ҳар қандай кўргазмадан кўра кўпроқ қизиқиш билдирди". "Кўплаб давлатлар глобал инқироздан азият чеккан бир пайтда Ўзбекистон иқтисодий ўсишга эришди, — деб таъкидлади Жанубий Корея Президенти. — Бу ютуқ, албатта, доно раҳбарнинг раҳнамолигида қўлга киритилди. Инқирозга қарши чоралар борасида Ўзбекистон, ўйлайманки, кўплаб мамлакатлар учун ўрнак бўлиши мумкин".

...Президентимиз Ислом Каримовни кутиб олиш маросимида бир гуруҳ болалар ҳам бор эди. Қўлига Ўзбекистон ва Жанубий Корея байроқларини тутган болалар "Ассалому алайкум" деган ўзбекона калом билан Ўзбекистон раҳбарини кутиб олди. Демак, Президент Ислом Каримовнинг ташрифи Кореяда ўзига хос байрам сифатида қабул қилинди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Сеул-Тошкент.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Мусиқа жозибали ва таъсир доираси кучли санъатдир. Бундай гўзаллик билан тиллашиш, диллашиш учун алоҳида қобилият ва устозлар кўмагида орттирилган салоҳият керак.**

2010 йил — Баркамол авлод йили

## ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КАМОЛ ТОПМОҚДА



Мустақиллик йилларида келажак ворислари бўлмиш ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун барча имкониятлар яратилди. Айниқса Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бу борада қилинган улуғвор ҳаракат дейишга ҳақлимиз. Таълимнинг буткул янги тизими яратилиб, фарзандларимиз 12 йил давомида асосий билим-ўгитларни олиш билан бирга касб йўналишларини ҳам эгаллашга эришаётир. Энг муҳими, ўғил-қизларнинг ҳар бири истеъдод соҳиби эканлигини англаши ва бу борадаги имконият қирраларини синаб кўриши учун ҳам шарт-шароитлар бисёрдир. Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослашган махсус академик лицейи ҳам шундай масканлардандир.

— Таълим масканида бўлажак мусиқачиларга ўнлаб малакали устозлар санъат сирларини ўргатмоқда, — дейди мусиқа бўйича директор ўринбосари Жаҳонгир Ибрагимов. — Ўқитувчиларнинг аксарияти шу лицейнинг собиқ ўқувчилари, қатор танловларнинг ғолиб ва совриндорларидир. Ўзбек халқ чолғулари бўлими асосчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Озод Акбаров, Валихўжа Тошхўжаев, Бахтиёр Яминов сингари фидойи устозлар ўқувчиларнинг истеъдодини юзага чиқаришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Шуниси қувонарлики, кейинги йилларда лицейнинг ўзбек халқ чолғулари, торли-камонли ва дамли чолғулар бўлимларининг қатор ўқувчилари республика миқёсидаги турли танлов ва фестивалларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишмоқда. Баркамол авлод йилида ушбу даргоҳда таълим олаётган янада кўплаб иқтидор соҳиблари ўз ҳаёт йўлини ижод билан боғлаб, келажакда албатта халқ ҳофизи ва мусиқашунос олим номларига сазовор бўлишига ишонч билдириб қоламиз.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: академик лицей ўқувчилари машқ устида.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарлари.*

✓ **САВДО-САНОАТ** палатаси шаҳар бошқармаси томонидан Собир Раҳимов туманида тадбиркорлар учун солиққа тортишнинг янги меъёрларига оид туркум семинарлар ўтказилди.

✓ **МИРЗО** Улуғбек туманидаги информатика касб-ҳунар коллежида ўқувчилар ўртасида «Сен қонунни биласанми?» мавзуида ўтказилган кўрик-танлов Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИҲ, ИИБ ҳамкорликларида уюштирилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетида мутафаккир шоир ва саркарда, давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 517 йиллиги муносабати билан «Бобур абадияти» мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган ўта муҳим устувор йўналишларни муҳокама қилдилар.**
- **Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида «Нефть ва газ саноатида атроф-муҳит муҳофазаси талаблари» ҳамда «Европа Иттифоқи давлатларининг муқобил энергия турларидан фойдаланишга оид қонунчилик актлари, энергетик менежмент ва энергетик самарадорлик» мавзуида икки кунлик семинар бўлиб ўтди.**
- **Кеча Тошкентда спортнинг энг гўзал, нафис турларидан бири — бадиий гимнастика бўйича 11-Осиё чемпионати бошланди. Унда Осиёнинг 12 мамлакатидан 150 нафар спортчи қатнашмоқда.**
- **Тошкент вилояти ҳокимлигида «Раҳбар аёллар клуби»нинг ўтган 2009 — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида олиб борилган ишлар ҳисоботи ва келгусидаги режалар, «Баркамол авлод йили» дастури асосида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**
- **Жиззах шаҳридаги «Кўкбозор»да сут ва сут маҳсулотлари билан савдо қилувчи учта махсус шохобча иш бошлади. «Давр» хусусий корхонаси ва «Уста Сафар ота» фермер хўжалигига қарашли ушбу шохобчаларда 10 га яқин сут маҳсулотлари сотилмоқда.**
- **Хоразм вилоятининг Питнак шаҳарчасида томёпқич ҳамда шифер ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Hazorasp Bakery» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. «Ўзсаноатқурилишбанк»дан киритилган сармоя ҳисобига замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилиши туфайли бу ерда йилига 233 минг донадан ортиқ рангли шифер, 345 минг квадрат метрдан зиёд металл черепица ва 5 минг квадрат метр томёпқич материаллари ишлаб чиқариш имконияти юзага келди.**

### ЖАҲОНДА

- **Европа Иттифоқи Молдавияга мамлакатда биометрик паспортларни жорий этиш учун 2 миллион доллар миқдорида маблағ ажратди.**
- **Украина Марказий сайлов комиссияси барча сайлов участкалари тақдим этган маълумотларни охиригача кўриб чиқиб, В.Януковични мамлакат президенти деб расман эълон қилди.**
- **Россия Гватемала билан наркотрафикка қарши ҳамкорликда кураш юзасидан битим имзолади.**
- **АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон Эронга ядро соҳасидаги ўз сиёсатини қайта кўриб чиқишни тавсия этди.**
- **Уругвайнинг собиқ президенти, мамлакатни 1971 йилдан 1976 йилгача бошқарган, айни дамда 81 ёшга тўлган Хуан Мариа Бордаберри суд ҳукмига кўра энг олий жазо — ўттиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. У Уругвай Конституциясига зид равишда диктатура ўрнатганликда, яъни парламентни тарқатиб юбориб сиёсий партиялар фаолиятини тақиқлаганликда ва ўзига мухолиф кучларни йўқ қилганликда айбланмоқда.**
- **АҚШнинг Флорида штатидаги Канаверал кўрфазида жойлашган космодромдан самога парвоз қилган «Индевор» шаттлининг Халқаро космик станциясига туташуви муваффақиятли кечди. Олти нафар астронавтдан иборат кема экипажининг Ерга қайтиши 20 февралга режалаштирилган.**
- **Махачқалъада темир йўлни миналаштираётган пайтда бир жангари ҳалок бўлди.**
- **Ҳиндистон ўзининг жанговар ядро қуроли олиб юриши мумкин бўлган янги «Агни-5» номли баллистик ракетасини синовга тайёрлади.**
- **Кеча Яманда вертолётнинг ерга қулаб тушиши натижасида унинг бортида бўлган 10 нафар ҳарбий ҳаётдан кўз юмди.**
- **Украинанинг турли шаҳарларидаги бешта аэропорт ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли номаълум муддатга ёпилди.**

**Истиқлол йилларида мактаб таълимини тубдан ислоҳ этиш, янги, замонавий ўқув технологияларини жорий қилиш, педагог кадрларнинг касбий малакаси, тажрибаси, кўникмасини ошириш мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, янгиланишларнинг ажралмас қисмига айланди.**



**2010 йил — Баркамол авлод йили**

# АЖДОДЛАРНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ




Юнусобод туманидаги 239-мактабда ўтказилган «Биз аждодлари улуғ юрт фарзандларимиз» мавзуидаги кеча ҳам ана шу эзгу қадамларнинг самараси дейиш мумкин.

Тадбирда соҳа мутасаддилари, мактаб педагогик жамоаси вакиллари, ота-оналар иштирок этди.

Кечани мактаб директори Муножат Раҳимбоева кириш сўзи билан очар экан, мамлакатимиз таълим тизимидаги туб ўзгаришлар моҳияти, баркамол авлод таълим-тарбияси, аждодлар мардлиги, шижоати, кучғайратини ўзида мужассам этган етук ўқувчиларни вояга етказишдаги аниқ вазифалар, бурч ва масъулият ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди. Ота-оналар бу борада ўқитувчилар жамоасига машаққатли, аммо шарафли вазифаларини бажаришда муваффақиятлар тилашди.

Тадбир мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари томонидан тайёрланган «Саводхонлик байрами» билан бошланиб, улуғ мутафаккир, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллиги, мумтоз шоир, йирик саркарда, давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 527 йиллигига уланиб кетди. Кечагина мактабгача тарбия ўчоғидан улкан орзулар қанотида балоғат остонасига тетапоя бўлган болажонлар бугун ҳарф таниб, савод чиқариш, дунёни англаш, улғайиш эшигини очдилар. Уларнинг бундай баркамоллик касб этишида меҳрибон устозларининг хизматлари беқиёс. Айниқса Дилором Комилова, Нодир Мирзараҳимов, Бекзод Равшанов, Бекзод Баҳодиржонов сингари жажжи ўқувчиларнинг саҳнавий кўриниш, ифодали ўқиш, рақс ижросидаги фаоллиги йиғилганларда илиқ таассурот уйғотди.

— Биз, педагогик жамоа вакиллари мактаб остонасига қадам босган ҳар бир болажонга келажакда кўкка бўй чўзиши зарур бўлган навниҳолдек муносабат билдирамиз, — дейди директор ўринбосари Валида Абдураҳимова. — Шу маънода бугунги тадбиримиздан жой олган саводхонлик кечасида ҳам ўқувчиларнинг мурғак тасаввурлари, дунёқарашларига мос бўлган шеърлар ёдлатдик, саҳнавий кўринишларда уларнинг энди кўз очаётган иқтидори, қобилиятини ҳисобга олдик.

Таъкидлаш жоизки, деярли 50 йилдан буён фаолият юритиб келаётган мазкур таълим ўчоғида бугунги кунга келиб 469 нафар ўқувчи таҳсил олади. Уларга 32 нафар ўз касбининг чинакам фидойиси бўлган педагогик жамоа аъзолари таълим бериб келмоқда. Ҳозирда мактаб ўқувчилари 29 та тўгаракка жалб этилган бўлиб, дарсдан бўш пайтлардаги вақтларини мазмунли, мароқли ўтказмоқда. Бир қатор ўқувчилар туман, шаҳар миқёсидаги кўрик-танловларда эътиборли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Жумладан, ифодали ўқиш бўйича туман олимпиадасида фахрли 3-ўринни қўлга киритган Дилрабо Фазлиддинова, рус тили фани бўйича 2-ўринни қўлга киритган Дурдона Холмоновалар мактабнинг фахри ҳисобланишади.

Баркамол авлод йили жамоа зиммасига катта масъулият юклайди. Буни ҳис этган мактаб маъмурияти йиллик иш режасини тузиб олган. Унда «Инсон гўзал — одоби ундан гўзал», «Пиёда — умринг бўлсин зиёда», «Китобга меҳрим мени келажакка етаклайди», «Меҳнат кишини улуғлайди» сингари қатор тадбирларни ўтказиш белгилаб олинган.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

**Қарор ва ижро**

# ИСТЕЪМОЛ МАҲСУЛОТЛАРИ ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва ички истеъмол бозорини улар билан тўлдириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан Тошкент шаҳри ҳамда вилояти аҳолисининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган ички истеъмол эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, истеъмол молларини ишлаб чиқариш салмоғини кўпайтириш вазифалари режалаштирилган.**

Бунда вилоятдаги халқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари ўртасида савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантириш ҳисобига ҳудудий корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, аҳолига сифатли маҳсулотларни тўғридан-тўғри етказиш ҳамда асосий турдаги истеъмол маҳсулотлари бозор нархларининг кескин суръатларда ошишига чек қўйиш белгиланган.

Шу муносабат билан 2010 йил **16 ФЕВРАЛЬ** куни Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги Қумовул ҚФЙ ҳудудида жойлашган вилоят Маданият, маънавият ва маърифат маркази биносида вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан истеъмол маҳсулотларини (озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат) ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо ташкилотлари иштирокида Истеъмол маҳсулотлари ярмаркаси бўлиб ўтади.

Ҳудудлараро саноат кооперацияси ва савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантириш учун ушбу ярмаркага Тошкент вилояти ва шаҳрида фаолият кўрсатаётган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз маҳсулоти билан ҳамда чакана савдо ва улгуржи корхоналари иштирок этиш учун таклиф этилади.

Мазкур ярмаркада ўз маҳсулотлари билан иштирок этиш истаги бўлган ишлаб чиқарувчи кичик бизнес соҳасида фаолият кўрсатаётганлар ва хусусий тадбиркорлар учун талаб этиладиган жой бепул ажратилиши белгиланган. Мурожаат учун телефонлар: 236-02-82, 263-15-51

**Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур**

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҚОНУНИ БОСИТИЙ

***Огоҳлантириш***

Билмоқ керакки, табибларнинг истилоҳларида **"латиф овқатни"** учта маънода ишлатадилар. Чунончи, ҳар бир маънони баён қилиб, баҳор фаслида улардан қайси бири қайси маънодаги латиф овқат эканига ишорат қилиш лозим.

Демак, бу уч хил маънодан бири шуки, латиф овқат дейилганда суюқ қон ҳосил қиладиган овқат тушунилади. Бу маъно баҳор фаслидаги совуқ латифлаштирувчи овқати учун мурод эмас, чунки қонни суюлтирадиган овқатлар кўпинча иссиқ мизожли бўладики, баҳор вақтида уларни истеъмол қилиш муносиб эмас. Балки бу фаслда ҳаммадан мувофиқроқ овқат мизожи совуқ ва қуюқ овқатдир. Чунки унинг совуқлиги хилтларнинг ҳароратини сўндириб, ислоҳ қилади. Қуюқлиги эса қон ва хилтларнинг суюқлигини қуюлтириб ислоҳ қилади.

Иккинчи маъноси шуки, латиф овқат оз овқат маъносидадир. Бу маъно ҳам баҳор фаслида муносиб эмас. Чунки баҳорда қорин, ичак, томир ва бошқа бўшлиқлар иссиқ бўлади. Шу сабабдан куч бўлган ҳолда овқатни камайтириш шубҳасиз зарардир. Чунки очликнинг қуввати хилтларнинг ўткирлашуви ва ғалаёнига сабаб бўлади. Демак, бу фаслда овқатни ҳатто ўртачадан ортиқроқ миқдорда қилиш лозим. Ҳаким Буқрот айтган эдики, қиш ва баҳор фаслида бадандаги бўшлиқлар табиий миқдордан иссиқ бўлади. Ва бу икки фаслда уйқу миқдори узунроқ бўлади. Демак, муносиби шуки, бу икки фаслда истеъмол қилинадиган овқатлар бошқа фаслдаги овқат миқдоридан кўп бўлиши керак. Зероки бу икки фаслда табиий ҳарорат баданда кучайган бўлади. Шунинг учун бадан кўпроқ овқатга муҳтож бўлади, деган.

Латиф овқатнинг учинчи маъноси шуки, бу овқатдан мурод озиқлиги кам овқатдир, яъни миқдори кўп, аммо баданга бадан бўладиган жавҳари кам овқат демакдир. Баҳор фаслида латиф овқат ейиш керак дейишдан мурод миқдори кўп ва ҳосили кам бўлган овқатдан тановул қилишдир. Зероки баҳор фаслида хилтлар жуда кучайган бўлади ва бадандан эриб тарқаган бадал учун ҳожат кам бўлади. Бинобарин, бу фаслда шундай кам ҳосил овқат кифоя қилади.

Аммо бу фаслда меъдада ҳарорат кўп ва ҳазм қилиш кам бўлади. Демак, меъдада овқат кўпроқ бўлиши учун ҳам ҳожат бордир, шунда меъда унинг ҳазмига машғул бўлиб туради. Бинобарин, миқдори кўп ва ҳосили кам овқат бу фаслга сазовордир. Буларнинг мисоли исмалоқ, коҳу, кашнич ва шовул каби совуқ мизожли гиёҳларни қовуриб ейишдир.

***Баҳордаги жисмоний ҳаракат ва меҳнат***

Яна билмоқ керакки, бу фаслда мўътадил риёзат қилиш яхшидир. Чунки бу риёзат табиатга малол бўлиб, мўътадил риёзат ортиқча хилтларни эритиб тарқаши ва бу билан табиатга ёрдам беради. Бироқ кучли риёзатдан парҳез қилиш лозим. Чунки кучли риёзат баданга керак бўладиган зарурий хилтларни қўшиб, эритиб тарқатади. Ҳамда баданни қуритиб, баҳор фаслининг табиатига кўмак қилади. Баданда боқий қолган хилтларни ғалаёнга киргизади, қизитиб, чиритади ҳамда баданни заиф қилади.

Демак, муносиби шуки, риёзат ўртача бўлиши керак. Бу фаслдаги ўртача риёзатдан мурод оҳиста ҳаракатлиги демакдирки, узоқ вақт давом этади. Узоқ вақт бўлган ҳаракатдан хилтлар кўпроқ тарқайди. Аммо оҳиста ва шиддатсизлигидан баданни ва хилтларни кўп қизитмайдики, бу риёзатдан асл мақсад ҳам шудир.

***Баҳорда қандай кийиниш керак?***

Баҳор фасли учун либоснинг энг яхшиси пахталик либосдир. Бироқ пахтаси оз ва янги бўлиши, ковуқлари бир-бирига яқин, яъни серқовуқ қилиб тикилган бўлса, буни ҳам иссиғи камроқ ва баҳор ҳавосига муносиброқ бўлади.

Аммо ёз фаслида овқатни, шаробни ва риёзатни камроқ қилиш, сояни, соябонни, тинчлик ва оромни берадиган ва бадан ҳароратини сўндирадиган нарсаларнинг истеъмолини ўзига лозим тутиш, агар мумкин ва осон бўлса гоҳида қусиб туриш керак.

Билмоқ керакки, иссиқ кунларда ҳазм қуввати заиф бўлади ва хилтлар эса қизиган бўлади. Қизигани сабабли ғалаёнга кириб, ҳажми зиёда бўлади. Меъда эса хилтлар билан тўла бўлади. Ҳатто аъзоларга хилтлар таъсир қилиб, таралиб туради. Бинобарин, ёзда овқатни камайтириш лозим. Чунки иссиқнинг шиддати билан баданда эриб тарқалиш кўп бўлса ҳам, унинг ўрнига ғалаёндан хилтлар етиб тургани сабабли овқат учун бадaннинг ҳожати камроқ бўлади. Демак, ночор овқатни камайтирмоқ лозим бўлади.

Шунингдек, шароб ва риёзатни ҳам камайтирмоқ лозим. Чунки у баданни қизитиб, хилтларни ғалаёнга киргизиб, куйдириши, бузилиши ва чиритиши ҳамда бошқа зарарлардан омон бўлади.

Шунингдек, соя ва соябон ҳамда тинчликни ўзига лозим тутишнинг фойдаси шуки, буларнинг ҳаммаси ҳароратни сўндирувчидир. Ҳароратни сўндиришнинг фойдаси шаробни ва риёзатни тарк этиш баҳсида айтиб ўтилди. Ҳароратни сўндириш учун кўпроқ истеъмоли зарур бўлган нарсалар ҳуммоз (отқулоқ) шарбати, тамарҳиндий (ҳинд хурмоси), олхўри, зирк ва шунга ўхшашларнинг аччиқ ва нордон шарбатларидир.

**(Давоми бор)**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган**

**Қишки Олимпиада — 2010**

# ДАСТЛАБКИ ЧЕМПИОНЛАР АНИҚЛАНДИ

**Канаданинг Ванкувер шаҳрида XXI қишки Олимпиада ўйинлари бошланди.**

Ўйинларнинг тантанали очилиш маросими 55 минг кишилик «BC Place» стадионида ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, бундай тадбирларни ўтказишда ўзига хос тажрибага эга Дэвид Аткинсон сценарийси асосида тайёрланган очилиш маросими жозибали ва бетакрор тарзда ўтди. Айниқса олти кунлик эстафета давомида стадионга етказилган олов орқали Олимпия машъаласини ёқиш маросими йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ушбу тадбирда Канаданинг машҳур спортчилари Бобби Ор, Уэйн Гретцкилар иштирок этди.

Шуниси қувонарлики, 82 мамлакатдан ташриф буюрган 2600 нафардан ортиқ спортчилар орасида мамлакатимиз қишки спорт усталари ҳам бор. Жумладан, спортчилар паради чоғида тоғ чанғиси бўйича мусобақалар иштирокчиси Олег Шамаев Ватанимиз байроғини кўтариб ўтган онлар мухлисларимиз ёдида узоқ вақт сақланиб қолади.

16 кун давом этадиган Олимпиада ўйинларида қишки спортнинг 15 тури бўйича жами 86 та олтин медаль учун кескин курашлар бўлиб ўтади.

Шундай қилиб, илк мусобақалар давомида дастлабки чемпионлар номи маълум бўлди. АҚШлик Ҳани Кирни аёллар ўртасида фристайлнинг могул тури бўйича ўтказилган баҳсларда ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олгани ҳолда Олимпиаданинг дастлабки чемпиони бўлди. Шунингдек, аёллар ўртасида 1500 метрга шорт-трек баҳсларида Чжон Су Ли (Жанубий Корея), 3000 метрда конькида югуриш бўйича аёллар ўртасида М.Собликова (Чехия), фристайл могул бўйича эркаклар баҳсида Г.Кола (Франция) чемпионлар сафидан ўрин олди.

Беллашувлар аста-секин қизғин паллага кирмоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети қуйидаги кафедраларнинг кафедра мудирлиги лавозимларига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ ФАКУЛЬТЕТИ**

1. «Менежмент»
2. «Фалсафа»
3. «Дизайн»

**ГЕОЛОГИЯ ВА КОНЧИЛИК ИШИ ФАКУЛЬТЕТИ**

4. «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги»

**ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

5. «Иссиқлик энергетикаси»
6. «Электротехника, электромеханика ва электротехнологиялар»
7. «Касб таълими (энергетика) ва электротехника»
8. «Олий математика»

**МЕХАНИКА-МАШИНАСОЗЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

9. «Пайвандлаб ишлаб чиқариш машиналари ва технологияси»
10. «Металлар технологияси ва материалшунослик»
11. «Материаллар қаршилиги, машина ва механизмлар назарияси»
12. «Ер усти транспорт тизимлари ва сервиси»

**ЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

13. «Электроника ва микроэлектроника»
14. «Автоматлаштириш ва бошқарув»
15. «Асбобсозлик»
16. «Умумий физика-2»

**НЕФТЬ ВА ГАЗ ФАКУЛЬТЕТИ**

17. «Нефть-газ конлари геологияси ва геофизикаси»
18. «Атроф-муҳит муҳофазаси»
19. «Умумий физика»
20. «Умумий кимё»

**УМУМТАЪЛИМ КАФЕДРАЛАРИ**

21. «Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари»

**Аризалар қабул қилиш муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.**

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент Давлат техника университетининг бош биноси, 211-хона.

**Телефонлар:** 246-46-00, 246-81-42, 246-61-17



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4203 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 106

Топширилган вақти: 15.15